

**Вазирлик ҳузуридаги Ҷамоатчилик кенгаши раиси Шерзод  
Ташматов бошчилигидаги ишчи гуруҳ марафон йўналишини  
ривожлантиришда Кения тажрибасини ўрганди**

Жорий йилнинг март ойида Спорт вазирлиги ҳамда Миллий Олимпия қўмитаси хорижда шуғулланаётган терма жамоаларимизнинг шароитини батафсил ўргани. МОҚ раиси ўринбосари, Ўзбекистон Таэквондо ВТ ассосиацияси раиси, вазирлик ҳузуридаги Ҷамоатчилик кенгаши раиси Шерзод Ташматов бошчилигидаги ишчи гуруҳ енгил атлетиканинг марафон югуриш дастури бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоларининг Итен шаҳрида (Кения) олиб бораётган халқаро ўқув-машғулот йиғинига ташриф буюриб, улар учун яратилган шароитларни ўрганди.



Маълумки, африкалик узоқ масофага югурувчилар, хусусан, кенияликлар жаҳонда энг кучлилар қаторида эътироф этилади. Кениялик югурувчиларнинг барчаси Итен шаҳрида шуғулланишади. Қайд этиш жоиз, спортчиларимиз ўтган йили ушбу шаҳарда дастлабки йиғинда иштирок этишган эди. Шундан кейин уларнинг халқаро майдондаги натижалари сезиларли даражада ўсди. Шу боис, ишчи гуруҳ марафончиларимизни бир неча босқичли йиғинда қатнашиш учун яна Итен шаҳрига жўнатишга қарор қилди.

Шерзод Ташматов атлетларимиз билан учрашиб, уларнинг кунлик дастури, овқатланиш рацони ҳақида суҳбатлашди.

Шунингдек, спортчиларимизни шуғуллантираётган халқаро эксперт билан уларнинг имкониятлари, янги режалар ҳақида фикр алмашди. Ташриф давомида узоқ масофага югуриш борасида Кения тажрибасини ўрганиш ва уни амалда тадбиқ этиш масаласини ҳам кўриб чиқди.

